



## ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

---

*Махаммадов Рустам Хабибуллаевич,  
ИИВ Академияси Ахборот  
технологиялари кафедраси  
ўқитувчиси, мустақил изланувчи,  
Джаматов Мустафа Хатамович,  
ИИВ Академияси Ахборот  
технологиялари кафедраси катта  
ўқитувчиси.*

**Аннотация:** Ушбу мақолада дунёнинг ривожланган давлатларининг Полиция органларида қўлланилаётган энг сўнгги, самарадорлиги юқори инновацион технологиялар таҳлил қилинган бўлиб, уларни юртимиз Ички ишлар органлари соҳасида қўллаш орқали энг долзарб муаммоларга барҳам бериш ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** статистика, киберхужум, радио тизимли алоқа, GPS тизими, Textalyzer қурилмаси, идентификацион кўзойнаклар, сигнализация, мониторинг, кузатув камералари

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларининг ўсиши, интернетдан кенг фойдаланиш, ахборот асрига ўтиш ва ахборот жамияти деб таърифланган давр билан институтларнинг ўз вазифаларини бажариш усуллари ҳам ўзгарди. Ҳар бир соҳа ахборатлашган жамият билан тенг суратлар билан ривожланмоқда. Хусусан, бизнинг ички ишлар соҳасида ҳам инновацион технологиялар кенг татбиқ этилмоқда. Лекин шу такидлаш лозимки, юртимизда қўлланилаётган инновацион технологиялар хорижий давлатларда қўлланилаётган технологиялардан ортда қолаётганини кўриш мумкин.

Статистик маълумотларда, Ўзбекистонда 2022/2023 йилларда содир этилган умумий жиноятларнинг 95,3 фоизи фош этилган, қидирувдагилар 1 833 нафар шахс ушланган, бедарак йўқолгандан 218 нафар шахс топилган. Ички ишлар органлари ходимларининг ташаббуси билан мазкур даврда 15 434 та жиноят аниқланган.



Лекин жиноятлар оламида киберхужумлар ҳамда Оммавий ахборот воситалари орқали содир этиладиган фирибгарлик жиноятларини фош этиш ҳали ҳам муаммолигича қолмоқда. Бунга асосий сабаб ҳам киберхужум фойдаланувчилари томонидан фойдаланаётган дастурий таъминотлар ҳамда инновацион технологиялар жиҳатидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни бироз бўлса ҳам ортда қолдирмоқда. Бизнинг мақсадимиз ҳам ёш ходимларда кибер малакани шакллантириш орқали хорижий технологияларни юртимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда қўллашдир. Бу ҳаракатларимиз хорижий инновацион технологияларни юртимизнинг ички ишлар тизимида қўллаб, кибержиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарадорлигини оширишга қўйилган илк қадамлар десак муболаға бўлмайди. Қуйида биз халқаро полиция тизимида қўллаётган илғор технологиялар ҳақида батафсил тўхталамиз:

Туркия полицияси томонидан яқин даврда кенг амалиётга жорий этилган Туркиянинг АСЕЛСАН компанияси томонидан тақдим этилган қурилмалар бу – рақамли радио тизимли алоқа воситаси бўлиб, қурилма йирик шаҳарлар бўлмиш Анқара ва Истанбул политция бўлимларида синовдан ўтказилди. Бу қурилмани жорий этишдан мақсад: статистикага кўра, туркияда гумондорлар сони 2018 йилда 9,8 миллион гумондор бўлган бўлса, бу рақам 2023 йилда 13 миллион 97 минг 311 нафарга кўтарилди.

Бунга кўра полиция органлари ҳар бир гумондорлар билан муомала жараёнида албатта илғор технологияларга таяниши эди. Кўп ўтмай қуриламани амалиётга қўллаш жараёнида технологиядан кутилган мақсадга тўла эришилди.

Қурилма шифрланган хавфсиз алоқа, олинган маълумотларни таҳлил қилиш қилиш, автомобил ва ходимларнинг жойлашувини аниқлаш, қисқа хабар юбориш, шахсий ва гуруҳ кўнғироқлари, умумий овозли кўнғироқ, ёрдам учун бир марта босиш орқали фавқулодда кўнғироқлар тизимлари, сигнализацияси мониторинги, радио орқали телефон кўнғироғи каби функциялардан фойдаланиш мумкин. Бу қурилма ходимларнинг хавфсизлиги таминлаб бир-бирлари билан доимий хавфсиз алоқа имкониятини беради. Радио тизимли алоқа воситаси ҳозирда юртимизда қўлланилаётган body camera, профилактика инспекторлари фойдаланадиган планшетдаги айрим имкониятлар ва GPS тизими, мобил телефонимиздаги СМС, телефон ва хабарлар алмашинув функциясини, кўриқлаш хизматида уланган сигнализация тизимининг фаоллиги функцияларини қамраб олади. Ушбу қурилмани



юртимизда жорий этиш орқали ходимларимизнинг иш самарадорлигини янада оширган бўламиз.

Эътибор бераётган бўлсак, ҳозирда ҳайдовчи автомобил бошқараётганда диққатни чалғитувчи восита бўлган мобил уяли алоқа қурилмаларидан фойдаланиш оқибатида кўплаб ЙТХ содир бўлмоқда. 2022 йилнинг 10 ойи давомида республика йўлларида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларида 2 мингга яқин киши ҳалок бўлган, 6900га яқин киши тан жароҳати олган. Шулардан қарийб 25% ини ҳайдовчи ва пиёдалар томонидан диққатни чалғитувчи турли хил уяли алоқа воситалардан фойдаланиб йўлни кесиб ўтиш ва автомобилни бошқариш пайтида келиб чиққан. Бу статистика жуда катта миқдорни ташкил этмоқда, эътиборлиси ҳам уни олдини олиш чораларида айрим муаммоларга дуч келмоқдамиз. Хусусан, ЙПХ ходимлари ҳайдовчи автомобил бошқараётганда ҳамда пиёда йўлни кесиб ўтаётганда мобил уяли алоқа воситасидан фойдаланиб келаётганига ҳеч қандай далил келтира олмаяпти. Чунки ҳайдовчи ва йўловчи биргина телефонидаги қўнғироқлар журнаlines тозалаб телефон дисплейида гўёки автомобил бошқарувида ёки пиёдаларни йўлни кесиб ўтишда телефондан фойдаланилмаган кўринишни кўрсатиши орқали ЙПХ инспекторининг ўринли шубҳасига яқун ясамоқда. Бу жуда кулгули ҳолат.

Шундай долзарб муаммони Textalyzer қурилмаси орқали Буюк Британия Полиция тизимида ечим топилган. Полиция учун мўлжалланган Textalyzer номли қурилма фойдаланувчилар ўз смартфонларида нима қилаётгани ҳақида полицияга хабар беради. Планшет ўлчамдаги ушбу электрон қурилма ҳайдовчилар автомобилни бошқариш вақтида мобил телефонларидан фойдаланаётганини кўра олади. Бу ҳаммаси эмас, қурилма смартфонларда қилинган ҳар бир босиш, суриш ва тегинишни ҳам ёзиб олади. Ҳатто драйверлар қайси дастурдан фойдаланаётганини ҳам кўрсатиши мумкин. Бошқача айтганда, полиция ходимлари гумонланувчининг смартфондаги маълумотларга бир неча сония ичида киришлари мумкин. Агар фуқаро полиция ходимига эътироз билдирса, полиция ходими фуқаронинг смартфонини Textalyzer га улаб, ҳайдаш пайтида ёки пиёдаларни йўлни кесиб ўтиш вақтида телефондан фойдаланаётганини текширишлари мумкин. Лекин бу қурилма омма олдида бир неча эътирозларга сабаб бўлди. Чунки Textalyzer ҳар бир яқин атрофдаги фуқароларни смартфондаги жараёнларни кузатиб туриш мумкин. Шунинг учун Ҳукумат бу қурилма махфийлик сиёсатини тўлиқ



даражада таъминлаб бериши ҳамда қурилмадан фойдаланиш фақат хавфсизлик масаласида қўлланилишини таъкидлади.

Дунёда полиция тизими кучли бўлган Хитойда ҳам полиция тизимида охириги ислохотлардан бири бу кўриниши худди кўзни куёшдан пана қилувчи кўзойнакка ўхшаш тизимнинг яратилиши билан юзни таниб олиш, гумонланувчини тезкор идентификация қилиш, тезкор маълумотлар тахлилини ўз ичига олган смарт кўзойнак ишлаб чиқилди. Хитойда ҳам ҳар янги йил байрами яқинлашган сари, мамлакатда жуда кўп меҳмонларни қабул қилиш ва ҳар кимни шахсан текшириш жуда қийин масалага айланиб қолмоқда. Полиция маълумотларига кўра, ходимлар смарт кўзойнаклар ёрдамида қисқа вақт ичида, 7 гумонланувчи ва ёлғон гувоҳномалар остида саёҳат қилган 26 киши қўлга олинган. Жойлардаги ўрнатилиши режалаштирилган кузатув камераларидан асосий афзаллиги шундаки, смарт кўзойнакларда юзларнинг хиралашиши кузатилмайди. Камералар одамни аниқлаш учун кўзойнакдан кўра кўпроқ вақт талаб этади. Кўзойнаклар олдиндан юкланган маълумотлар базасидан одамларни таний олади. Маълумотлар базасида 10 000 дан ортиқ гумонланувчилар мавжуд бўлиб, сканерлаш 100 миллисекунд давом этади.

Аммо шунга ўхшаш қурилманинг мослашувчанлиги махфийлик тартибига кўра, барчада ташвиш уйғотади, сабаби улар янги кузатув технологиясини тўлиқ назорат қилинмаслиги ва бошқа мақсадларда қўлланилиш хавфи, ҳукумат раҳбарларининг ўз ваколатлар суистеъмол қилиш эҳтимолини оширмоқда. Бу айниқса, ҳуқуқ-тартибот идоралари фуқароларни тўлиқ эркинлик билан кузатиш имконини беришилиқни билдиради ва ушбу смарт кўзойнаклар орқали идентификация қилиш потенциали охир-оқибат Хитойнинг кузатув ҳолатини янада такомиллаштириши мумкин. Ушбу қурилма юртимиздаги маҳаллий ва халқаро қидирувдаги шахслар, гумон қилиниб суддан, терговдан яшириниб юрган, сохта ҳужжатлар асосида истиқомат қилаётганлар, шахсни тасдиқловчи ҳужжатининг муддати ўтиб кетган фуқароларни аниқлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан маълумотлар алмашинувни ҳамда шахсларни тезкор идентификация жараёнини тезкор ва аниқлигини таъминлаб беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. <https://www.egm.gov.tr> (туркия давлати полициясининг расмий маълумотлар маркази)



2. <https://buhconsul.ru/> (Британия давлати полициясининг расмий малумотлар маркази)
3. <https://uz.wikipedia.org/> (Қидирув ресурслар базаси)
4. [https:// www.tuit.uz](https://www.tuit.uz) (Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети)
5. <https://195.158.18.42/> (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси миллий нашрларнинг электрон архиви)
6. [http:// www.uzscience.uz](http://www.uzscience.uz) (Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар агентлиги)
7. [http:// eduportal.uz](http://eduportal.uz) (Халқ таълими вазирлигининг ахборот-таълим портали)
8. <http://gov.uz/> (Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали)